

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 3 апрель жума
Сотувда эркин нархда № 69 (1850)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Дам олиш кунини 1998 йил
4 апрель шанбадан 6 апрель
душанбага кўчириш тўғрисида

Ийд ал-Алҳо — Курбон ҳайитини байрам қилиш муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш кунини 1998 йил 4 апрель шанбадан 6 апрель душанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 апрель.

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,
Азиз қардошим,

Курбон ҳайити байрами муносабати билан Сиз Зоти Олийларига самий табрикларини билдириб, шу ғурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва шаҳсан ўз номиндан Сиз Зоти Олийларига саломатлик ва бахт-саодат, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик тилаб, энг яхши ниятларини изҳор этаман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,

Туркия Жумҳурияти Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,

Курбон ҳайити байрами муносабати билан Туркия Жумҳурияти ҳукумати ва шаҳсан ўз номиндан Сиз Зоти Олийларига табрикларини ҳамда эзгу тилакларини изҳор этаман.

Месут ЙИЛМАЗ,

Туркия Жумҳурияти Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,

Муқаддас Ийд ал-Алҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилайман.

Зонд бин Султон ол-НАҲАЁН,

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,

Муқаддас Ийд ал-Алҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилайман.

Мақтум бин Рошид ол-МАҚТУМ,

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти ва Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,

Муқаддас Ийд ал-Алҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилайман.

Султон бин Зонд ол-НАҲАЁН,

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари



ХУШХАБАР

КИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистон давлат санъат музейида "Германияда портрет фотосурати — 1850-1918" фотокўргазмаси очилди. Бу кўргазма Германия ҳукумати кўмағида Штутгардти хоррий алоқалар институти томонидан дунёнинг турли мамлакатларида мунтазам намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тадбирда 1850-1918 йилларда германлик фотосуратчилар томонидан тасвирга олинган юзга яқин портрет намойиш қилинмоқда.

Фотокўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири ўринбосари М. Абдуқундузов, Германиянинг мамлакатимиздаги Факултада ва Мухтор элчиси Р. Бундайль сўзга чиқди. Шунингдек, фан ва маданият арбоблари, хоррий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Фотокўргазма 20 кун давом этади.

НАФАҚА

ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА

Ижтимоий таъминот вазирлигида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда ана шу масала муҳокама қилинди. Унда Жаҳон банки экспертлари жаноб Д. Линдман, жаноб Вартонок, республика Касаба уюмлари федерацияси кенгаши ҳамда пенсия фонди вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Ижтимоий таъминот вазирлиги икки йилдан буён Жаҳон банки билан ҳамкорликда тузилган лойиҳа асосида иш олиб бормоқда. Лойиҳа ўз табиатида кура, босқичма-босқич амалга оширилиши тақозо этади. Жаноб Линдман ушбу лойиҳанинг моҳияти ҳамда асосий хусусиятларини шарҳлаб берди. Унинг айтишича, пенсия ислоҳоти амалга оширишда жаҳон миқёсида қўлланилган тажрибалардан кенг фойдаланиш лозим. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг пенсия фондида ўз ҳоҳиши билан маблағ ўтказишни, тижоратни йўлга қўйиш керак.

Семинарда, шунингдек, нодавлат ижтимоий сугурта, унинг ажралмас қисми бўлган нодавлат пенсия, таъбиёт фондиларини тузиш ҳамда ижтимоий банклар ташкил этиш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Э. ТОЖИЕВ.

ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ

БЕДАННИНГ УЙИ ЙЎҚ...

Қаерда бўлса «пит-пидик», деган қаб бор. Яқинда Коссовой туманидаги «Боғишмола» маҳалласига борганимда, у ердаги аҳолини кўриб, бештиёр ёдимга халқинг ана шу мақоли тунди, — деб ёзди Намангандан Паробой Бухоров.

Мақсадим савоб учун маҳалладаги юз ёшдан ошган табаррук чолларнинг рўҳини қилиш, улар билан суҳбатлашиш эди. Бундай пайтда, табиийки, сенга маҳалла оқсоқоли ақсоқали. Хонаси қаерда, деб сўрасам, одамлар унинг жойи йўқ, деб жавоб қайтарди. Ҳайрон бўдим. Кейин излаб-излаб почта алоқаси раҳбарининг хонасидан топдим. Энг қизик жойи шундаки, оқсоқол билан гаплашиб турганимизда, почта алоқаси раҳбарининг иши чиқиб қолди, у билан бирга биз ҳам хонага тарқ этишимизга тўғри келди.

«Идорангиз йўқми?» деб сўрадим. У: «Идора бўлса ўтирардим-да», деди. Ҳайрон қолдим. Наҳотки, маҳаллага ҳукуматимиз томонидан эътибор берилган айти пайтда «Боғишмола»нинг идораси бўлмасми?..

БОЖХОНА

ҲИЙЛАСИ ЎТМАДИ

Ҳозир далавларимизда экиннинг айти қизгин палласи. Ҳар дақиқа ганимат. Аммо қишлоқ хўжалик техникаси шундай долзарб паллада «нилаг йўқ», деб бекор турса-чи? Бунга қим айбдор бўлади? Афсуски, баъзи қисмаларни фақат «чунтақни қаппайтириш дари» кўроқ ўйлаштиради.

Яқинда Жиззах вилоят божхона бошқармасининг «Тупон» божхона маскани ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорликда ўтказилган тадбир чоғида айланма йўлар орқали кетайдиган КраЗ русумидаги цистернали аўтоулово тўхталиб, божхона текширувидан ўтказилди. Маълум бўлишича, Бухоро вилоятидаги 18-сонли геология-қидирув экспедициясида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Б. Ортинқов 6000 литр дизель йўқлигини ҳеч қандай ҳужжатсиз, божхона назоратини четлаб Қозғистонга олиб ўтмоқчи экан. Устотом ҳайдовчи машинанинг давлат белгисини Қозғистон техника алаштириб, «пайрат отини» қамчиламоқчи бўлган. Божхонага доир қонун ҳужжатларини бузганлиги учун унга нисбатан жазовий иш қўзғатилди.

Ҳайдовчи ҳозир қонун ҳимоячиларига унинг «сабаб»ларини тушуштириб бермоқда. У энди қандай ҳийла ишлатаркан?

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Давлат божхона қўмитаси инспектори.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

«Соат» илмларини И. НУСРАТ кутати.



Бўстонлик туманидаги «Сойлик» жамоа хўжалигида ҳам боғлар «уйғониб» қолди. Демак, боғбонни энди боғлардан топасиз. Билдурга қиёс шигилшиғи узулариди кўёш акс этган боғларни кўз олдингизга келтиринг.

О, бунгача ҳали анча меҳнат қилиш керак. Боғбон бобо буни яхши англайди.

Тўлқинбек КАРИМОВ,
суратчи-мухбир.



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тикланиш ва тараккиёт банки директорлари кенгаши делегацияси аъзолари Вазирлар Маҳкамасига таширф бўюди.

Учрашувда Бош вазир Ўткир Султонов Ўзбекистон билан мазкур йирик халқаро молиявий ташкилот ўртасида олти йилдан буён давом этиб келаятган ҳамкорлик боис қўллаб-қўллаш лойиҳалар амалга оширилганини қайд этди. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ушбу ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ЕТББ билан ҳамкорлиги қўламини тобора кенгаймоқда.

Унинг қай даражада раванқ топганини мамлакатимизга халқаро молиявий муассасалар томонидан киритилган сармояларнинг салмоқли улуши айнан шу банк ҳиссасига тўғри келишидан ҳам билиш мумкин. ЕТББ ижрочи директор В. Яггининг таъкидлашича, банк раҳбарияти Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорлардан, деб биладиган Ўзбекистон учун янги кредит линияларини очишни режалаштирган. Бу кредитлар кичик миқдорда бўлиб, асосан,

деҳон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида сарфланади. Суҳбат чоғида меҳмонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, макроиктисодий барқарорлигини таъминлаш, устувор тармоқлар ва муҳим инфратузилмаларни барпо этиш ва ривожлантириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юртимизда юз бераётган қўллаб-қўллашлар ҳақида батафсил маълумот олдилар. Янги сармоявий лойиҳалар, ҳамкорлик қўламини кенгайти-

риш ва унинг истиқболдаги устувор йўналишлари учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

Шу кунги делегация аъзолари «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорациясида ҳам бўлиб, Бош вазир ўринбосари, мазкур корпорация раиси Қ. Ҳақулов билан учрашди. Учрашувда мамлакатимизда нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш, янги конларни ўзлаштириш, соҳа билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорлик бораётгани масалалар муҳокама қилинди.

Европалик банкирлар Молия вазирлигига таширф бўлиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларида доир масалалар юзасида музокаралар ўтказди.

(Ў.А.)

ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛОВЧИ ҲАМКОРЛИК

Кеча Қозғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида маъбулот конференцияси бўлиб ўтди. Маъбулот анжуманида республикамиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар.

Қозғистоннинг Ўзбекистондаги Факултада ва Мухтор элчиси Умрўқ Убаево 26-27 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон Республикалари ўртасидаги Давлатларо Кенгаши мажлиси хусусида тўхталиб, унда эришил-

ган аҳдлашувлар ҳақида журналистларга гапириб берди. — Президентлар учрашувидида кун тартибидида тўққизта масала муҳокама қилинди, — деди элчи жаноблари. — Биринчи масала Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ўртасида имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши бўлди. Бу фикр яқинлик билан маълумланди ва битим имзоланди. Тожикистон Республикаси ушбу Шартноманинг тўлақонли аъзоси бўлди. Бу жуда муҳим сиёсий воқеалар.

Журналистларни қизиқтирган асосий масала — Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага аъзо бўлган мамлакатлар, хусусан, Қозғистон — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва келажакдаги истиқболлари юзасидан савол-жавоб бўлди.

Маъбулот анжуманида иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бераётгани, ўтиш даври муаммолари биргаллик бартараф этилаётгани, мавжуд иқтисодий, маънавий имкониятлар қўлдан-қўлга келгайиб бораётгани таъкидланди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ

— Отакул Шакарович, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳамма замоналарда ҳаминша давлат аҳамиятидаги молик энг муҳим вазифалардан ҳисобланган. Бугунги кунда республикамизда ичимлик суви таъминоти қай даражада?

— Бир сўз билан «қониқарли», деб айтиш мумкин. Лекин бу ҳамма жойда сув тўлиб-тошиб ётибди, ундан истаганча фойдаланавериш керак, дегани эмас. Қониқарли деганимиз боиси шундаки, ичимлик суви таъминоти жаҳон миқёсида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистондаги аҳоли бир-мунча дуруст. Масалан, айти пайтда республикамизда бир кеча-кундузда 5 миллион 900 минг куб литрга яқин сув ишлаб чиқарилапти. Яъни шунча миқдордаги неъмат қайта ишланиб, тозаланиб, истеъмол учун яроқли ҳолга келтирилиб, мавжуд тармоқлар орқали аҳолига тарқатилмоқда. Сув қувурларининг умумий узунлиги 16 минг километрни ташкил қилади. Уларнинг қўламини янада кенгайтириш борасида ишлар давом эттирилмоқда.

— Бу — аҳоли юз фоз ичимлик суви билан таъминланган, дейишга асос бўла оладими?

— Йўқ, албатта. Ўрта ҳисобда оладиган бўлсак, шаҳар ва шаҳар типидидаги аҳоли истиқомат жойларининг 89,6 фозини ичимлик

суви билан таъминланган. Пойтахтимизда эса аҳолининг 97 фозини бундай қулайликдан баҳраманд бўлаяпти.

Энди 100 фозини даражага келадиган бўлсак, ақинда ҳукуматимиз айти шу масалага тегишли махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, мамлакатимизда катта қўламдаги ишлар амалга оширилиши ва 2010 йилга бориб республика аҳолиси

— 1997 йилда 1 куб истеъмол суви ўртача 7-8 сўмданга тўғри келди. Аҳолидан эса бир сўмдан тўлово олинади. Қўлаганига давлат дотация беради.

— Умуман, хизматга ҳақ тўлаш тарифлари қай тартибда белгиланади?

— Тарифлар уч гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ аҳоли, 2-гуруҳ бюджет қарамондаги ташкилотлар ва учинчиси саноат корхоналари, қури-

лаш, янгиликлар жорий этиш, муддатини ўтаб бўлган қувурлар ва бошқа тегишли ускуналари алмаштириш имкониятларига эга бўлолмаيمиз. Чунки бизнинг тармоқ асосан кўрсатган хизматининг эвазига тушадиган маблағлар ҳисобига фаолият юритади.

— Халқимиз қадимдан суви ниҳоятда қадрлаб келган. Базан қувурлардан беҳуда оқиб ётган суви кўриб афсусланамиз. Бироқ...

— Нимасини айтасиз! Ма-

ТОМЧИСИ ЗАР, ДЕЙМИЗ-У...

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Сув таъминоти ва экология бош божқармасининг бошлиғи Отакул ҚУВОНДИҚОВ билан мулоқот

100 фоз экологик тоза ичимлик суви билан таъминланиши лозим. Бу жуда катта дастур бўлиб, уни амалга ошириш юзасидан вазирлигимиз раҳбарлигида вилоятлардаги худудий бошқармаларимиз лойиҳа институти мутахассислари билан биргаллик тайёрларик ишларини олиб бораётимиз.

— Лоийҳанинг харажати ҳам ўзинга яраша бўлса керак?

— Албатта. Шу ўринда бир нарсага алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Сизу биз кўпинча эътибор бермайдиган ичимлик суви хонадонимизга кириб келгунча жуда катта маблағ сарфланади.

— Масалан?

лиш, транспорт ва бошқа соҳалар бўлиб, улар кўрсатишган хизмат учун ўзаро келишилган шартнома асосида ҳақ тўлайдилар. Бундан ташқари, турли худудларда сарф-харажат миқдорига қараб тарифлар турлича белгиланади.

— Ўзаро ҳисоб-китобларда муаммолар учраб турадими?

— Тизимимизнинг энг оғир муаммоси ана шу масаладир. Жорий йилнинг 1 март санаси ҳисобига миқдордан биздан 2 миллиард 476 миллион 600 минг сўм қардорлирлар. Шунинг 85 фозини шартномадаги корхона ва ташкилотлар ҳиссасида тўғри келди. Оқибатда хизмат кўрсатишни яхши-

салан, Тошкент шаҳри учун бир кунда 3 миллион 376 куб литр тоза сув сарфланапти. Республика бўйича эса бу кўрсаткич 5 миллион 835 минг кубини ташкил этади. Шу ўринда бу гап айтиш бизга ағаландай. Бир кун сув бўлмай қолса, ҳамма ёқда жар соламыз. Лекин хонадонимизда беминнат оқиб турган суви орқали сарфламастик учун вақти келганда жумракни бураб қўйишдай оддий юмушга онгли муносабатда бўлмаймиз.

— Сув ўлчигичлар ўрнатилган ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу масалада бирон-бир янгилик борми?

— Бу ҳам анча мураккаб масала. Барча хонадонлар-

ни таъминлаш учун республикамизга ўртача 1 миллион 100 минг дона ўлчигич зарур. Уни сотиб олиш, ўрнатилган ҳақида тўради. Бу масаланинг ечимини топиш учун вазирлик ходимлари изланапти. Хусусан, бу ишга чет эл инвесторларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратаймиз.

— Демак, ҳозирча томчисига зарга тенг неъматни иқтисод қилиш имконига эга эмасмиз, шундайми?

— Бу аҳолининг ушбу

ни таъминлаш учун республикамизга ўртача 1 миллион 100 минг дона ўлчигич зарур. Уни сотиб олиш, ўрнатилган ҳақида тўради. Бу масаланинг ечимини топиш учун вазирлик ходимлари изланапти. Хусусан, бу ишга чет эл инвесторларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратаймиз.

— Демак, ҳозирча томчисига зарга тенг неъматни иқтисод қилиш имконига эга эмасмиз, шундайми?

— Бу аҳолининг ушбу

масалага қай даражада ёндашишга боғлиқ. «Томчисига зарга тенг» деймиз. Бу жуда тўғри гап. Аммо «Олдингидан оққан сувнинг қадри йўқ», деган нақл ҳам бор. Шу ўринда бу гап айтиш бизга ағаландай. Бир кун сув бўлмай қолса, ҳамма ёқда жар соламыз. Лекин хонадонимизда беминнат оқиб турган суви орқали сарфламастик учун вақти келганда жумракни бураб қўйишдай оддий юмушга онгли муносабатда бўлмаймиз.

— Сув ўлчигичлар ўрнатилган ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу масалада бирон-бир янгилик борми?

— Бу ҳам анча мураккаб масала. Барча хонадонлар-

Биз бу масалада пойтахтнинг Сирғали туманидаги мавзеларидан бирида синов-тажриба ўтказдик. Бу жуда яхши натижа берди. Киши бошига кунига 320 литрдан сув тежаб қолинди. Қанийди ҳамма жойда шунга эришолсак...

— Юқорда асосан шаҳар ва туман марказларида яшовчиларни ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида гап келди. Қишлоқлардаги вазият қачон ўзгаради?

— Авваллари бу масала бизнинг вазифамизга кирмасди. Марказлашган сув манбаидан фақат шаҳарлар ва шаҳар типидидаги яшаш жойларига фойдаланиларди. Эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридида таъкидланган қарорига кўра, мамлакатда ягона бошқарув юзига келтирилади. Айти пайтда мазкур қарор асосида ушбу масала бўйича ҳукуматга киритилган тақлиф ва мулоҳазаларни жамлаيمиз.

— Демак, сув таъминоти мукамил даражада етказиш учун қўй вақт ва меҳнат зарур экан-да?

— Ҳа, ҳозирча асосий эътиборни мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратмоғимиз керак. Бунинг сира мураккаб жойи йўқ. Фақат эътибор, тежамкорлик, ҳар биримиз ҳар дақиқда фойдаланидиган сувнинг қадрига етсак бас.


«Халқ сўзи» мухбири
Темур АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлқанинг, давлатимиз ҳуудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрин тутлади.

Ислом КАРИМОВ.



САОДАТНОМА



Яқинда телевизорда муқаддас Ҳаж сафарига жўнаётган ҳожиларнинг Тошкент аэропортидан кузатиш маросимини кўриб қолдим: эҳромга ўралган мўминлар эзгу ниятлари рўёбга чиқаётгани, кўрсатилган гамхўрликлар, иззат-икромдан мамнун эдилар, шукроналик ҳисси юзларида барқ уриб турарди.

Бу кайфият менга ҳам кўчди ва шу муносабат билан мустақил шўролар тузумидаги бир воқеа эсимга тушди. Эллигинчи йилларнинг ўрталари, худди ҳозирғидай баҳор кунларининг бири эди. Қурбон ҳайити кирган бўлиб, қишлоғимизнинг мўйсифидлари маҳфий ҳолатда тонг саҳарда туриб, чеккадаги мазорга бориб, ҳайит намозини ўқийши келишиб олган эканлар. Аммо бундан хабар торган колхоз партком секретари комсомоллар билан бирга мазорга бориб, намозхонларни тарқатиб юборди. Мўйсифидлари (улар орасида меннинг отам ҳам бор эдилар) йиғлағудай бўлиб, «партком бува»ни қарғар, лаянлатдилар. Демак, Ҳажга бориб, Катъдан зиёрат қилиш у ёқда турсин, ҳатто ҳайит намозини ўқий ҳам бутун шаҳар-қишлоқларда ман қилинган эди. «Партком бува»нинг ташаббуси билан қишлоғимиз масжиди бузилиб, гишти омбор қурилди, сарфаланиб, одамларнинг уйларидаги Қуръон ва араб ёзувидаги бошқа китоблар териб олинди, ёқиб юборилди.

Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Ҳозирги авлод бунинг кўпига гувоҳдир. Қанчадан-қанча одамларимиз ҳозирги эмин-эркин бу кунларни кўролмади, армон билан ўтиб кетдилар. Шу боис биз мустақиллик келтирган няматларга ҳар қанча шукроналик айтсак арзийди. Мустақиллик даврида исломий қадриятлар тикланди, имон-этиқодимиз ўзимизга қайтди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш кунини деб эълон қилинди, неча минглаб фуқароларимиз Ҳаж ва умрага бориб келдилар. Улуғ аллоҳлар — Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Замахшарий, Абдулоҳлиқ Гиждувоний, Маҳдуми Аъзам, Хўжа Аҳрори Валиларнинг юбилейлари бўлиб ўтди, асарлари нашр этилди. Бу йил эса улуғ муҳаддис олим Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг 1200 йиллиги нишонланмоқда. Ўнлаб тарихий обидалар, ярим вайрон ҳолга келган мақбаралар, масжидлар қайта таъмирланди, зиёратгоҳлар, қаламжолар обод қилинди. Буларга Ўзбекистон ҳукумати маблағни аямая келмоқда. Аммо, афсуски, халқимизнинг маънавий, маърифий тараққиётига ҳалақат бераётган, тараққиётимиз, осойиштагимизни кўролмайдиган гуруҳлар, тўдалар мавжуд. Улар ўзларича масжидларда гавақ кўтариб, ўтиш даврининг қийинчиликлари билан фойдаланган ҳолда айрим ёшларнинг онгини захарламқоқдалар. Бу мутаассиб диндорлар ўзларини «вахобий» ёки «динни тозаловчилар», «фундаменталистлар» деб юритиб, аслида эса биригинчи навбатда Исломнинг ўзига зарба бермоқдалар. Афғонистон ва Тожикистондаги биродарқушлик, маънисиз уруш шу мутаассибларнинг иши эмасми? Ҳолбуки, Ислом — бу фақат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир. Ислом тарихига на-

XX аср охирида қолди. Бу асрнинг қанчалик оғир ва даҳшатли, шу билан бирга, сўнги йиллари нури воқеалар силсиласида кечгани-ю кечаётгани тарих зарварларига албатта битилгусидир. Айниқса, Ўзбекистон деган мустақил давлатнинг дунё харитасида пайдо бўлиши, қолаверса, қисқасига муддат оралиғида ўз ўрни, нуфузи ва маъқеи жаҳатидан, шунингдек, ТИНЧЛИК кўрғони деган эътироф этилаётгани гоят қувончлидир.

Турки, қай бир мамлакатда ҳурлик ва рўҳий уйғоқлик, халқнинг тафаккурида эртанги кунга бўлган ишонч ва умид мустаҳкаманиб бораверса, шу юрtda аввало Ватанинг бебаҳо қадр-қиммати анданар экан. Эл-улус, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, инсонийлик сингари олий туйғулар чуқур идиш отиб бораверар экан. Сир эмас, бу ҳақиқатни буюн Ўзбекистон мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Барибир ҳаммаимиз турли хил ўй ва кечинмалар, оғриқли саволлар қўнайди. Чунки энди бизлар кечаги одамлар эмасмиз. Дунёга қараб ўчоқ олаётимиз, атрофимизга жиддийроқ боқиб, ҳар бир воқеа — ҳодисадан, у таъвишлими, қувончлими, керакли хулосалар чиқаримиз. Халқона тилда айтганда, етти ўнлаб бир кесилмапти. Албатта, УТИШ даври осон

ва силлиқ кечаётгани йўқ. У ҳар бир шахсни, у каттами, кичикми, масъулиятли синовдан ўтказилмапти. Яшириб нима қиламиз, ҳатто ярим манзилда ортага тисарилаётган ёхуд аввалии замонларни «қўмсаётганлар» ҳам учраб турибди. Уларни ким деб аташга ҳам ҳайронимиз. Ва энг ачинарлиси, шундайлар жамиятимизга оғир «юк» бўлиб тушяпти.

Буюн оддий бир ҳақиқатни тан олиш керак. Бундан етти йил бурунги ва буюнги ҳамюртларимизнинг онни ва дунёқараши ўртасида жуда катта фарқ бор. Негаки, Сизу бизнинг кўз ўнгимизда дарёдан ўтиб кетаётган Ҳаёт отиғи денгиз тўхтаб тургани йўқ. У шовқин солиб, гувиллаб оқайтир. Бу денгизда Ўзбекистон деган улкан кема ҳам зўр шиддат билан сузиб кетмоқдаки, унинг борари нури ва ёруғ манзил — БУЮК КЕЛАЖАҚДИР!

Биз яхши ниятлар ила газетамизда шу кутлуғ жума кунидан эътиборан «Саодатнома» рўқини очдик. Унда овоз ва обод Ватанимизда халқимиз бой маънавийти, маърифатининг энг гузал, қолаверса, фахрланмоққа арзишлуқ намуналари, қайтадан «кўз очган» миллий ананаларимиз, шунингдек, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётимизга соя солаётган айрим кўнгилсиз кўринишлар ҳусусида ҳар жума кунини

мунтазам равишда фикр-мулоҳазалар эълон қилиб бораемиз. Дарвоқеа, юқорида бежизга ватандошларимизнинг «кечаги кун одамлари эмаслиги»га ургу бермадик. Боиси, бизлар яшаб турган сиёсий ва иқтисодий тизим кутимасанда бутунлай янгича бир кўринишда, тўғрироғи, қоронғу зулматдан ёруғ кунларга айланиб кетди. Бундай кезлар эсанкираб қолдиганлар бўлиши ҳам турган гап. Ва табиий равишда УТИШ жараёни турли муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу эса одамлар орасида ҳар хил муносабатларни уйғотади ҳам. Биз бундан чўчмаслигимиз, аксинча, муаммо илдини излашимиз керак бўлади.

Шу маънода, «Саодатнома» юрtdoшларимизнинг кўнгил ойнаси бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Шунингдек, бу рўқинда миллий қадриятлар, дин ва виждон эркинлиги, шу жумладан, тинчлигимизга раҳна солаётган ёки миллий тотувлигимизни кўролмаётган турли кўринишдаги диний оқимлар, қолаверса, ўткнчи иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлардан ўзларининг гарази мақсадлари йўлида фойдаланмоқда уришаётган айрим кучларнинг «фаолият»лари ҳақида ҳам ҳолис ва ошкора мақолалар эълон қилишни режалаштирдик.

зар ташланг: хўш, нега Муҳаммад Пайгамбаргача бўлган давр арабларда «жоҳилия» даври деб аталади?! «Жоҳилия» ношонлик даври дегани. Ислом ана шу ношонлик даври ўрнига кенг маънода маърифат, маданият вуҷудга келтирди, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъатни ривожлантирди, ўзига хос маънавий яратди. Ваҳобий-

энди янги «улуғ оға»лар керак эмас. Бизнинг динимиз ҳам, йўлимиз ҳам ўзимиз билан, биз хориздан этиқод «импорт» қилишга муҳтож эмасмиз.

Воқеа, динни халқнинг миллий хусусиятлари, тарихан таркиб топган ананаларидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Араб ярим оролида пайдо бўлган Ислом бошқа мамлакатлар-

Сино билан машҳур Шайх Абусаид Абулхайр учрашибдилар. Улар бир кеча бир-бирларига ҳеч нарса демай, «суҳбатлашиб» чиқибдилар. Эрталаб шайх Абусаиднинг шогирдлари ундан Ибн Сино ҳақида нима дейсиз, деб сўраганда, Абусаид Абулхайр «Мен ниманики важд (интуция) билан билган бўлсам, у ақл билан билиб олган» деб-

моҳиятини англаса, унинг Аллоҳни англаши, иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Иккинчи томондан, юксак маънавий одам ҳар хил ақидалар, мазҳаб-секталар домига тушмайди, чаламулаларнинг «ваъзу насихатлари», ваҳобийларнинг бақирликларига тағдла балоий нафе ётганини англайди, уларнинг нопок сиёсий гаразларини фош қила олади.

Шундай қилиб, миллий-маънавий камолот етуқлик белгиси экан, тикланган диний қадриятлар айнан ана шунга хизмат қилиши керак. Ислом маърифати-маънавийтимизнинг таркибий қисми, этиқод эркинлиги даҳлисиз, аммо диний экстремизм, мазҳабпарастлик, ақидабозлик-хавфли ҳодиса. Бизни улуғлайдиган, оқил ва ориф этадиган, фазилатимизга фазилат қўшадиган таълимотларни, ҳислатларимизни олишимиз, жаҳолат ва тубаниликка, айирмачилик ва маданиятсизликка тортадиган оқимлар, иллатлардан узоқ туришимиз, жамиятимиз яқинлашган раҳна солидиган гуруҳларнинг таъсирига берилмаслигимиз керак.

Ваҳобийчилик ана шундай бизни орқага, жаҳолатга тортадиган, Исломни ва Ислом аҳлини бузди-ган, охир-оқибатда эса атеизмга йўл очадиган бир хавфли оқимдир. Бежиз эмаски, ҳозир айрим жойларда даҳрийлик хуружи ҳам кўриниб қолди. Улар умуман Ислом қоқоқлик белгиси, дин эса хурофотдан бошқа нарса эмас, деб гапира бошладилар яна. Бизга ашаддий ақидাপарастлик ҳам, атеистлар ҳам керак эмас.

Бизнинг йўлимиз аниқ-равшан: дин инсон руҳияти, қалбини поклаш учун керак, ҳар ким истаган динига этиқод қўйиши ёки ҳеч бир динга этиқод қўймаслиги мумкин. Аммо «динни тозалаш», «соф динга қайтиш» ниқоби остида ташвиқотлар олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар қилиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қўяётганлардан миллий қадриятларимизни авайлаб-асрашимиз лозим. Уларнинг бу кирдиқорларни ва қилаётган номзўкул ишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу ёш мустақил давлатимизга тажовуздир. Ота-боболаримиз орзу қилиб, аммо етишолмаган миллий мустақиллигимизни ҳам хавф остида қолдиради. Бутуна эмас, оқибатда дину динённинг ўзини ҳам барбод этади. Ҳар биримиз буни яхши тушуниб олишимиз лозим. Шунинг ҳам англаб етиш керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётда ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга бўлган муносабатда ҳам кўра-миз. Яъни муътадил диндорлик, Ислом маърифатини ривожлантириш, ички-ботиний оламни поклаб, Аллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму ирфон билан камолот касб этиш, ўз меросий қадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқаддам олға бориш.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиш
академияси илмий ишлар
бўйича проректори, профессор.

ИСЛОМ – МАЪРИФАТДИР

лар бир ярим минг йиллик ана шу илм-фан, маданият тарихидан воз кечиш, Имом Бухорий, Имом Газолий, Имом Абуҳанифа, Абуансур Мотрудий-Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Навоий, Жомий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб мутафаккирлар, сўфийлар, олимлар меросидан воз кечиш, уларнинг асарларини ёқиб юборишни тавсия қилмоқдалар. Бутун бир оламийлик фалсафасини яратган, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Навоий асарлари «бидъат», «хурофот», чунки тасаввуф гоълари акс этган, дейди ваҳобийлар. Умуман, инсон ақли, инсон қалби билан яратилган жамияки маънавий бойликларни улоқтириб ташлашимиз керак эмас. Ахир, бу ваҳшийлик-ку!

Маданият ва маърифатдан хабардор киши буни мутлақо қабул қилмайди. Дикқат билан қарасангиз, экстремист ваҳобийлар ҳаракати коммунист-большевикларнинг қарашларига ўхшаб кетади. Нега? Чунки коммунистлар ҳам, ваҳобийлар ҳам маънавий қадриятларга, тарихга қарши, ҳар икки оқим ҳам инсон ақли ва тафаккурини, баъх-мунозарали, ҳурфикрликни ёқирмайди. Коммунистлар ўз гоъларини «олий ҳақиқат» деб, ҳаммаша бошқаларга зўрлаб тиқаштиргани каби, ваҳобийлар ҳам мутаассиб ақидалар-растликка асосланиб, тоталитар тузумни кўмсадилар. Демак, ваҳобийчилик демократиянинг, ҳурфикрликнинг, плюрализмнинг ашаддий душманидир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, бемалол айтиш мумкинки, шўролар давридаги атеизм Исломга қанчалик зарар келтирган бўлса, ваҳобизм ҳам шунча зарар келтирмоқда.

Инсонни хотирадан маҳрум қилиши ҳайвонга айлантириш, маңқурт-лаштириш демакдир. Коммунистлар бизни шунга етаклаган эдилар, ваҳобийлар ҳам шуни ташвиқ этмоқдалар.

Яна шунга ҳам бу ўринда қайд этиш жоизки, Муҳаммад Абдулваҳоб (XVIII аср) номи билан боғлиқ бўлган ваҳобийлик дастак қилиб кўтарган «динни бидъатлардан тозалаш» шиори аслида ҳийла олдин, VIII асрда Аҳмад Хан-банд томонидан эълон қилинган эди. Бу мазҳаб савдо-сотик ривожланмаган, шаҳар маданияти занф ҳисобланган мамлакатларга тарқалди. Хуросон ва Мовароуннаҳрда бу мазҳаб замин топмаган. Чунки бу ерларда тижорат, хунармандчилик, аниқ фанлар бўйича талқинотлар ривожланган эди. Бизда Исломдаги тўрт мазҳабдан Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам) мазҳаби томир ёйди. Имоми Аъзам фикҳда урф, яъни шарият масалаларини ҳаёт талабидан келиб чиқиб ҳал қилиш, ўзаро савдо муносабатлари, шартномаларини осонлаштириш, бошқа дин вақиллари билан ҳамкорликка йўл бериш, шариятнинг енгиллаштириши жорий қилган. Бу эса бизнинг миллий руҳиятимизга ҳам, эҳтиёжиямизга ҳам мувофиқ эди. Асрлар давомида амал қилиб келган бу мазҳаб биз учун муқаддасдир. Чунки ўнлаб ҳуқуқшунослик китоблари шу асосда яратилган. Энди биз аллақандай ажнабийларнинг гапига кириб, ота-боболаримизни «бидъатчи», «кофир» деб эълон қиламизми? Ўз мазҳабимиз, этиқодимизни, миллий одатларимизни бадном этамизми? Асло! Шунчалик ҳам номатқулчилик бўладими? Сизнинг муддаоянгиз бизга энди бегона бўлган бошқа бир давлатнинг сиёсатини ўтказиш. Бизга

та тарқалганда, ҳар бир халқ ва элнинг руҳиятига мослаштирилган эди. Зеро, дин этиқод бўлса-да, бироқ халқнинг одат-маросимлари, қадимий тушунча-тасаввурлари заминидан қабул қилинади. Шу боис биздаги Ислом — бу бизнинг халқимизнинг руҳияти, маслаги ва турмуш анъаналари билан омухталанган, ўзлаштирилган ва бойитилган Исломдир. Бизнинг улуғ боболаримиз Ислом маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, калом илми, фикҳ, тасаввуф таълимотини ривожлантирганлар. Бизда Ислом фалсафий тасаввуфий мазмун билан тўлдирилган эди. Яъни улуғ шайхларимиз Ҳаким Термизий, Абдуқодир Гелоний, Юсуф Ҳамалоний, Абдуллоҳ Ансорий, Абдулоҳлиқ Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд шарият ва тариқатни ўзаро қўшилди, инсон ахлоқини поклашга хизмат қиладиган, уни юксалтирадиган гоълар, ҳикматлар мазмунини ишлаб чиқдилар, фикрни, туйғуга кенг йўл очиб бердилар. Халқимизнинг азиз авлиёларга сиғиниши, улар орқали Аллоҳ таолога муҳаббатининг ифодаланиши орқали инсоний камолот, қалб ва руҳ тараққиёти учун кураш гоъси ифодаланган. Парвардигор бизни инсон қилиб яратган экан, ақл-хуш, илму амал берган экан, демак, биз инсон сифатида тафаккур қилиб, дунёвий илмларни-дунёвий ўрганиб, дунё орқали Аллоҳнинг зотини, илмларини кашф этиб яшашимиз керак. Дин-руҳиятимиз тарбиячиси, илм-дунёни ва охиратни билниш кўроли, инсон унисини ҳам, бунисини ҳам эгалламоғи лозим. Бизнинг боболаримизнинг йўли ана шундай эди. Бир неча мисол келтирмаман. Ривоят қиладиларким, Абу Али ибн

ди. Ибн Сино эса ўз шогирдларига: «Мен ниманики ақл билан билган бўлсам, у кўнгил билан идрок этади», деб айтган экан. Кўрдингизми, Ибн Сино — дунёвий илмлар олими, Абу-саид Абулхайр эса — тасаввуф шайхи, илоҳиёт олими. Аммо улар бир-бирини тушуинган ва ҳар икки илм ҳам керакли эканлигини англаганлар. Ёки олайдик, Мирзо Улуғбек билан Хўжа Аҳрори Валийни. Улар замондош, бир шаҳарда яшаганлар. Улуғбек — мунажжим ва шох, унинг сафдошлари ҳам аниқ фанлар мутахассиси эдилар. Хўжа Аҳрор эса мўътабар дин арбоби, руҳоний зот эди. Аммо улар бир-бирига халақит берган эмаслар, аксинча, бири илмий маърифатни, иккинчиси бўлса руҳоний маърифатни ривожлантириб, бир-бирига кўмак берганлар. Шу каби бу йил юбилейлари бақамти нишонланаётган икки буюк аллома — Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғоний ҳақида ҳам шу фикрнинг айтиш мумкин. Имом Бухорий — муҳаддис, дин олими, Аҳмад Фарғоний-риёзёт олими, кайҳоншунос. Лекин биз учун ҳар иккаласи ҳам маърифатнинг, илмнинг, инсон ақл-заковатининг даҳоларидир. Имом Бухорийнинг «Жомеъ ус-саҳиҳ» асари — Ислом тарихининг ноёб ҳужжати, унда Пайгамбар ҳаёти, кураши ҳақида қўнлаб лавҳалар, бутун ҳам дунёвий аҳамиятини йўқотмаган ҳадис ва хабарлар мавжуд.

Бу улуғ эзгларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидойилиги, этиқод-иймонининг поклиги бизга ибратдир. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, диндорлик ҳам маърифатни, юксак маданиятликни талаб қилади. Киши қанча чуқур илмга эга бўлса, олам ва одам

САНИТАРИЯ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Республикамизда давлат санитария назорати бўйича қонун мавжуд. Лекин бу қонуннинг ижроси етарли назорат этилмагани сабабли, кўпгина жойларда бу борада салбий ҳолатлар юзага келди. Эпидемиологик вазият бироз кескинлашиб, айрим юқумли касалликлар кўпайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентини «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилган республика амалий анжумани мазкур Фармон талабларини ҳоётга татбиқ этиш масаласига бағишланди. Унда вилоят, шаҳар ва туман санитария-эпидемиология станцияларининг бош врачлари, маъмурий, қонунчилик, ички ишлар идораларининг ходимлари қатнашди. Анжумани Соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов очди.

Йиғилишда Президент Фармонидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар, шунингдек, мамлакатимизда санитария-эпидемиологик барқорорликни таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Ички ишлар, Адлия, Қонун ҳужжат кўрсатиш вазирликлари, республика Прокуратураси, Божхона қўмитасининг давлат санитария назорати ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган иш режалари белгилаб олинди.



ТОҚҚА ЧИКМАЙ «ТОҒ РАЙҲОНИ» ИЧАСИЗ

Учқўрғон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти жамоаси шифобахи гиёҳлардан турли чойлар ишлаб чиқаради, дейиши, кечасина ҳеч ким ишонмасди. Бироқ айни вақтда бу ерда қадоқланаётган дала чойи, тоғ райҳони, кийик ўт, сафро ҳайдовчи чойларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу чойлар шифобах-

лиши, тиббиёт меъриларига жавоб бериши билан харидорларга маъқул тушмоқда. Доривор усмилкларини Чодалдаги Ибн Сино номли доривор усмилклар тайёрлаш хўжалиги, Ангрендаги Урмон хўжалиги етказиб бераёттир. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, тайёрланаётган шифобахи чойлар денгиз орти қитъаси техноло-

гияси асосида ишлаб чиқариламоқда. Бу борада ҳиссадорлик жамияти билан Арентинанинг «Сурте» фирмаси ҳамкорлик қилаёттир. Учқўрғонда тайёрланаётган доривор гиёҳлар чойини Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли бир неча институтлар олимлари ҳам эътироф этишган.

СУРАТЛАРДА: доривор чойлар ишлаб чиқаришга амалий кўмак берган «Ниҳол» санитарийси бош ҳакими Абдулобосит Дехқонов ва ички Орифжон Ибномов; ички Назарихон Аҳмедова доривор чойларни қадоқламоқда; тайёр маҳсулотлар. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ ОЛАҚҲЙЛИККА ГАЗ КЕЛДИ

Қашқадарё вилояти Китоб туманида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кунини-кеча тумандаги Олақўйлик қишлоғига табиий газ келди. Қисқа муддатда олти километрик газ қувури фойдаланишга топширилди. Бунда Ж. Турдиев номли жамоа хўжалиги ва «Бодомзор» қурилиш кичик корхонаси ақиндан ёрдам берди. Натижада 160 оила табиий газдан баҳраманд бўлди.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎЗА муҳбири.

Республика «УСТОЗ» жамғармасы

1998-1999 ўқув йили мобайнида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Малайзия каби мамлакатларнинг илғор ўқув марказларида мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар учун қайта ўқиш, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича жамғарманинг грантларини олишга танлов эълон қилади:

Мутахассисликлар номи	Оўю ўқитувчиларини қайта тайёрлаш (6 ойгача)	Оўю ўқитувчиларининг малакасини ошириш (3 ойгача)	Оўю ўқитувчиларининг тажриба алмашиши (2 ойгача)	Коллежлар ва лицей ўқитувчиларининг тажриба алмашиши (2 ойгача)	2-3 йил ўқитган докторант ва аспирантларнинг иш ўрганиши (6 ойгача)
Менежмент	3	6	9	9	2
Маркетинг	3	6	9	9	2
Молия ва кредит	2	4	6	6	2
Бизнесни бошқариш	3	6	9	9	2
Суғурта иши	2	3	4	4	2
Иқтисод ва бошқарувда маълумот тизими	4	10	12	12	2
Халқаро иқтисодий муносабатлар (алоқалар)	3	5	10	10	2
Сийёсатшунослик	3	6	9	9	2
Педагогика	8	10	30	30	4
Социология	3	6	9	9	2
Психология	3	6	9	9	2
Хуқуқшунослик	2	4	6	6	2
Халқаро ҳуқуқ	3	6	9	9	2
Тоғ ишлари	3	6	9	9	2
Нефть-газ ишлари	3	6	9	9	2
Автомобиль қурилиши	3	6	9	9	4
Авиа-ракета қурилиши	3	6	9	9	2
Электрэнергетика (ноанъанавий усуллар билан энергия олиш)	3	6	9	9	2
Технологик машиналар ва жиҳозлар (қурилиш, нефть-газ, тоғ ва тўқимачилик саноати)	4	8	20	20	2
Кимё ва биотехнология (минерал ўғитлар, нефть ва газ, ойна, керамика, истеъмол моллари технологияси)	4	8	20	20	2
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаш	4	8	16	16	4
Қишлоқ хўжалиги (агрономия, селекция, генетика, агробизнес)	4	8	16	16	4
Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва истеъмол маҳсулотлари тановулини меъёрлаштириш	3	6	9	9	2
Тиббиёт фанлари	4	8	16	16	2
Ветеринар фанлар	2	4	8	8	2
жами: 862	82	158	281	281	60

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан белгиланган.

Республика «УстоЗ» жамғармасы гранти соврини учун эълон қилинаётган танловда қатнашиш истиагини билдирётган номзодлар 1998 йилнинг 10 апрелидан 10 майгача куйидаги ҳужжатларнинг вилоят бўлимларига топширишлари лозим:

- ўқув ёки илмий муассасанинг танлов комиссияси номига тавсияси
 - номзоднинг маълумотини, илмий унвонини, илмий даражасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси
 - чоп этилган илмий ишлари рўйхати (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий қўлланма ва тавсиялар, илмий мақолалар ва кашфиётлар)
 - расмий анкета
 - меҳнат дафтарчасидан кўчирма
 - фотосурат
 - тавсия бераётган муассаса томонидан тўлдирилган ва тасдиқланган рейтингни аниқлаш анкетаси (вилоят бўлими томонидан берилди)
 - номзоднинг юқори малакасини, илмий даражасини ва педагогик ютуқларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.
- Юқориди қайд қилинган барча ҳужжатлар тавсия бераётган ўқув муассасаси томонидан тасдиқланиши ва энг кечи билан 10 майгача куйидаги манзилларда жойлашган жамғарманинг вилоят бўлимларига топширилиши лозим:

№	Вилоят, республика	Ўқув муассасаси номи	Манзили
1.	Тошкентда	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси	Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси 45, тел. (371) 132 - 60-17
2.	Андижонда	Андижон давлат университети	Андижон ш., «Университет» кўчаси 129, тел.(37422) 25-05-18
3.	Бухорода	Бухоро давлат университети	Бухоро ш., «Ўзбекистон 40 йиллиги» кўч. тел. (36522) 32314, 30170
4.	Жиззахда	Жиззах давлат педагогика институти	Жиззах ш., Носиров к. 4, тел. (37222) 31857, 31457
5.	Қашқадарёда	Қарши давлат университети	Қарши ш., «Кўчабоғ» к. 17, тел. (37522) 39571, 57763.
6.	Наманганда	Наманган давлат университети	Наманган ш., «Уйчи» к. 316, (369-22) 655-01
7.	Навоийда	Навоий давлат тоғ институти	Навоий ш., «Южная» к. 27а
8.	Самарқандда	Самарқанд давлат университети	Самарқанд ш., Навоий хйёбони 15, (3662) 35-19-38
9.	Сирдарёда	Гулистон давлат университети	Гулистон, 4 - мавзе, (3672) 25-01-7525-42-81
10.	Сурхондарёда	Термиз давлат университети	Термиз ш., Ф.Хужаев к. 43, (37622) 31908
11.	Фарғонада	Фарғона давлат университети	Фарғона ш., Усмонхўжаев к. 19, (3732) 24-39-45
12.	Хоразмда	Урганч давлат университети	Урганч ш., Ҳ.Олимжон к. 14, (36222) 63-544, 63-567
13.	Қорақалпоғистон Республикасида	Қорақалпоғистон давлат университети	Нукус ш., «Университет» к. 1, (36122) 36197, 37884

Танлов 1998 йилнинг 15 майдан бошланиб, 3 босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич (15 майдан 25 майгача) - номзодлар томонидан грантни олиш бўйича ёзма равишдаги асослари ва рейтинглари натижаларини аниқлаш. Иккинчи босқич (26 майдан 6 июнгача) - Иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги даражасини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш;

- чет тилларини талаб даражасида билишини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш.

Учинчи босқич (7 июндан 17 июнгача) - номзодларнинг мутахассислиги, дастурида грантдан фойдаланиш самардорлигининг нақадар асосланганлиги бўйича суҳбат.

Жамғарма гранти совринига даъвогарларнинг ҳар бир босқичдан ўтганлиги албатта тегишли баёномалар билан расмийлаштирилади, босқични қандай натижа билан якунланганлиги ва кейинги босқичга ёки грантни олишга тавсия этилганлиги куйидагича акс эттирилади:

- тавсия этилди;
- тавсия этилмади.

Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари жамғарманинг вилоят бўлимлари томонидан ўтказилди. Учинчи босқич республика «УстоЗ» жамғарманинг куйидаги манзилда жойлашган Марказий танлов Комиссияси томонидан ўтказилди: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 45.

Танловнинг Марказий ва вилоят комиссияси таркиби Республиканинг устувор йўналишлари бўйича ишлаётган мутахассислар, ўқитувчилар ва олимларидан ташкил қилинади. Республика «УстоЗ» жамғармаси Бошқаруви Танловнинг иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги даражасини аниқлаш бўйича тест синовларини муваффақиятли топширган, лекин иккинчи босқичда чет тили фани бўйича тест топширишда етарли даражада билими бўлмаган номзодлар учун махсус грантларни ажратганлигини ҳам маълум қилади. Жамғарма Бошқарувининг қарорига биноан, бу грантлар совриндорлари учун жамғарма маблағи ҳисобидан Тошкент шаҳрида ёки тегишли вилоятларда ташкил қилинган тил марказларида ўқиб, малакаларини ошириш имкониятлари яратилади.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ҳамда танлов босқичларида қатнашиш бўйича қизиқтираётган барча саволлар билан республика «УстоЗ» жамғарманинг куйидаги манзилда жойлашган маълумотида мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 45, 407-409 - хоналар, телефонлар: 132-60-17, 45-71-63, факс 132-60-16; E-mail: Fond@ystoz.silk.org.

«УстоЗ» республика жамғармаси маълумоти.



РИШТОН КУЛОЛЛАРИ

Риштон — азал-азалдан кулолчилик ва хунармандчилик маскани. Бу гўшада ҳар тўрт кишидан бири уста кулол ёки қўли гул хунарманд. Бу табиий. Чунки бу ота ва боболар касби ҳамдир.

Айни вақтда риштонлик хунармандлар ҳам ўтиш даврини бошларидан кечиримокда. Бетакрор, жаҳон меъёрларига мос кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш уларнинг диққат марказида турибди. Шу нарсага алоҳида таъкидлаш керакки, риштонлик кулоллар тайёрлаган маҳсулотларни чет элларда ҳам яхши билишади. Айни вақтда кулоллар голландиялик тадбиркорлар буюртмасига асосан гултуваклар тайёрлашни йўлга қўйишди.

СУРАТДА: ярим асрдан буён кулолчилик касбини ардоқлаб келаятган нақшош Ражимхон Абдулҳақова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Вазирликлар «Халқ сўзи»га жавоб берадилар

ЙўЛЛАНМА БЕРИЛДИ

Уруш ва меҳнат фахрийси Қаҳҳор Қодиров тахририятга ёзган шикоят мактубида баъзи даволаш муассасаларида ҳамда дориҳоналарда учраётган сансозликлар ҳақида куйиниб ёзганди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтаҳоннинг аризаси бўйича жавоб мактуби олинди.

— Вазирликнинг тиббий ёрдами ташкил қилиш бош бошқармаси бошлиғи П. Менглиқулов беморнинг уйига бориб суҳбат ўтказди, дейилади вазирнинг биринчи ўринбосари жаноб Р. Султоновнинг тахририятимизга йўлаган мактубида. — Бемор керакли дориҳона билан имтиёзли равишда таъминланди. Келгусида зарур дориҳона билан таъминланишини назорат қилиб бориш Тошкент шаҳар дориҳона акционерлик бирлашмасига топширилди. Беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1-республика клиник шифохонасига йўланма берилди.

ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Сурхондарё вилояти Музробод туманидаги 1, 3 ва 11-ўрта мактабларнинг бир гуруҳ ўқитувчилари туман халқ таълими бўлими

ва унга қарашли ўқув муассасаларида тайёрланган ҳолатлар юз бераётганлиги, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнларида бир қатор камчиликларга йўл қўйлаётганлиги тўғрисида тахририятга шикоят хати йўлланганди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўринбосари жаноб М. Султоновнинг «Халқ сўзи» газетасига мазкур масала юзасидан юборган жавобида таъкидланишича, шикоят хатини ўрганиб чиқиш мақсадида вазирлик томонидан

ишчи гуруҳи тузилиб, ҳақиқий аҳвол билан жойнинг ўзида танишиб чиқилган. Ариза муаллифларининг туман халқ таълими бўлими томонидан ўқув муассасаларида олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари қисман тасдиқланди.

Молиявий томондан йўл қўйилган бошқа камчиликларни аниқлаш вилоят молия бошқармаси ҳамда туман молия бўлимига топширилди. Бу борадаги ишлар ниҳоятга етказилган, унинг натижалари вазирликка юборилди. Шикоятчилар ўз аризалари бўйича амалга оширилган ишлардан қониқиб ҳосил қилганликлар ҳақида тушунтириш хати ёзиб бердилар.



ЕВРОПАЛИК БАНКИРЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Тиклаши ва тараққийёт банки ижрочи директори Вилгелм Ятти раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, пул муомаласи барқарорлигини сақлаш, миллий валютанинг сўмнинг харид қувватини янада ошириш, банклар ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш, мижозларга хизмат кўрсатиш савиясини янада яхшилаш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбат берди.

Вилгелм Ятти Ўзбекистонда макрокўрсаткич барқарорлигини таъминлаш, юриштирилган қатъий пул-кредит сиёсати, инфляцияни жиловлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Шу кун ЕТББ делегацияси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ҳам ташриф буюрди.

Учрашувларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ФАН САРҲАДЛАРИ

ЮЛДУЗЛАРНИ КЎЗЛАБ...

Республикамизда кўза кўринган олимлар, кашфиётчилар ишлайдиган «Ўзбекинолот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ёш фазогирлар мактаби ташкил этилган. Муҳбиримиз ушбу бирлашма директори, академик Шавкат Аҳмадович ВОХИДОВ билан суҳбатлашди.

— Шавкат ака, «Ёш фазогирлар мактаби»нинг номи жуда яхши, эскизлардан шундай эмасми?

— Албатта. Аэрокосмик мактабга республикамизнинг турли вилоятларидан авиация, ракетасозлик, коинот сирларини билишга қизиққан, аниқ фанларни, яъни математика, физика, биология ва химия асосларидан чуқур билимга эга бўлган болаларни топиб, етук олимлар ва мутахассислар ёрдамида ўқитиб, уларнинг билимини чуқурлаштириб, дунёқарашларини кенгайтиришга эришмоқдамиз. Албатта, болада қизиқиб, интилиш, энг муҳими, даққат бўлса, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз йўлини топиб кета олади. Бизнинг вазифамиз боланинг ўз иқтидорини тезроқ англашига кўмаклашишдир.

Менимча, болага маълум туртки берилиб, келажакдаги мақсади кўрсатиб берилса, унинг ўша мақсадга интилиши кучаяди.

Энди ёш фазогирларга келсак, мана, йилгирма йилдирки, шу соҳани йўлга қўйишга уринялган, чунки бу менинг олимлик ва фуқаролик бурчим. Ҳозирги пайтда аэрокосмик мактабда 40 нафар бола таҳсил олмақда, шу қаторда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Украинадан, шунингдек, Малайзия, Покистон, Туркия каби чет давлатлардан 20 нафарга яқин бола келишди. Биргаликда тахсил олиб, амалий машғулотларда қатнашиб, билимларини бир-бирларига тақдослаб кўриш имконига эга бўладилар.

Бу йил мактабимизга, насиб этса, Америка, Япония ва Германиядан ҳам болалар келишди. Чет элликларни тақдир этишдан мақсад шунки, авваламбор, болаларимизнинг тайёргарликларини тақдослаб ва синаб кўриш имконига эга бўламиз. Бундан ташқари, ўзаро мулоқот чоғида болаларнинг фикрлари ўсиб, дунёқарашлари кенгайди, шаклланди. Истеъдодли болалар ёшлигиданоқ бошқа эллардаги тенгдошлари билан мулоқотда бўлиб, ўзи танлаган соҳа мутахассислари билан таниша, уларда ҳамкорликни ишлаш қобилияти пайдо бўлади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, аэрокосмик мактабда ўқиган болаларнинг ҳамма-

си фазогир ёки самолётсоз бўлавермайди. Гап шундаки, мустақил Ўзбекистонимизнинг янада равақ топиб, гуллаб-яшнаши ва илғор давлатлар сафида туриши учун кишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш лозим. Бунинг учун ҳар томонлама баркамол бўлган етук мутахассислар керак.

— Мактаб йил бўйи иш олиб борадими?

— Йўқ, Асосан болаларнинг ёзги таътили даврида, 12-15 кун давомида ишлаймиз. Болаларнинг қизиқиш, ҳавасига яраша талаби ҳам бўлади. Уларнинг қизиқишини ва имкониятини ҳисобга олган ҳолда муайян шароитларни яратиб бериш лозим. Фазогир бўласани, қолдўзсар кемаларни яратасани ёки самолёт исайсанми, марҳамат, мана сента

мутахассислар — билимнингни ўлча, билмаганингни сўра. Мана сента қоғоз, қартон, қамши, елим — ҳавас қилган моделингни ярат. Шу жараҳнинг ўзидеёқ болалар беҳиётёр механикани, физикани, химияни, атмосферада бўладиган ҳодисаларни миляга куйиб олади. Ернинг тортишиш кучи, вазнсизлик ва шунга ўхшаш кўп ҳодисаларни, табиат қонунларини ўзлаштирадилар.

Болалар ҳузурига фазогирлар, академиклар, коинот билан дунёқарашлари кенгайди, шаклланди. Истеъдодли болалар ёшлигиданоқ бошқа эллардаги тенгдошлари билан мулоқотда бўлиб, ўзи танлаган соҳа мутахассислари билан таниша, уларда ҳамкорликни ишлаш қобилияти пайдо бўлади.

— Ҳозир бу мактабга қатнаётган болалар ичида фазогир бўлишни исташганлари ҳам борми?

— Бор, албатта. Лекин фазогир бўлиш, бу фақатгина ҳавасга боғлиқ эмас. Бир нафар фазогирни тайёрлаш учун 15-20 миллион АҚШ доллари сарфланади.

— Мана, Солижон учганидан бери жуда кўп ўғил болаларнинг юрасига чўғ тушди. Лекин фазогир бўлиш учун юксак даражада билим ва соғлиқ талаб қилинса керак?

— Фазогир бўлишни истоган бола ҳали мактабданоқ ўзининг мақсади йўлида тайёрланиб бориши, спорт билан мунтазам шуғулланиб, аниқ фанларни чуқур ўрганиши керак. Чунки биз ҳозир самодан туриб жуда кўп соҳаларнинг муаммоларини ҳал қияймиз. Алоқа, телевидение, ердаги экологик ҳолат, об-ҳаво назорати ва ҳоказо. Коинотдан туриб ер сийлашларини, қўрқинчиларни, қаергадир яқинлашган тошқинлар ҳақида огоҳлантириш, ер ости бойликларини қидиришда кўмаклашиш мумкин.

иқтидорли болаларнинг ҳар қандай талаб-истакларини бажо келтиришга қодирдилар. Булар — Ўзбекистон Миллий банки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Камолот» ва Улутбек номидаги жамғармалар, бошқа кўплаб ташкилот ва корхоналардир.

— Шавкат ака, шунча йиллардан бери коинот соҳасида ишлаб келаясиз. Лекин ўзингиз коинотга учини орзу қилганмисиз?

— Очиғини айтсам, фазогир бўлишни орзу қилиш ҳаёлимга келмабди. Чунки мени асосан табиат қонунлари қизиқтиради, табиат сирларини билиш, уларни ўрганишни ўйлайман. Лекин табиат устидан ҳўқмор бўлиб эмас, балки мавжуд борлик билан ҳамоҳанг яшаб, шарт-шароитларни яхшилаш инсонларнинг фаровон яшашлари учун замин яради. Болаларни мана шунқанги руҳда тарбияласак, бизнинг келажакимиз жуда гўзал бўлишига аминман.

Коинотдан туриб кичкинагина мовий қоптоқчага ўхшаб қўринадиган Ерга назар солиш, унинг тоғларини денгизларини томоша қилиш кимга ёқмайди, дейсиз? Одамлар турист сифатида фазога чиқиб, она заминни томоша қиладиган, Ердан-Коинотга, Коинотдан-Ерга чигалар сотиладиган кунлар келди, чамамда. Келгуси авлод буни албатта кўради. У вақтда «Бўрон» ва «Шаттл»га ўхшаш фазога олиб чиқадиган ва тушириб қўйдиган қўрилмалар янада мукаммаллашади. Коинотдан қайтиб келиш чигалари қафолатли бўлади, худди ҳозирги самолётлардаги сингари.

Ҳар ҳолда Коинотга парвоз қилиб, самодан ерга назар солиш, бу — бахт, жудаям катта бахт. Ҳозирги дастурлар бўйича 58 ёшга кирган россиялик фазогир Валерий Юмкин ўз рафиқаси билан бирга коинотга парвоз қилишни режалаштиряпти. Бундан ташқари, Гагариндан сал кейинроқ учган америкалик астронавт Жон Гленн 77 ёшга кирганига қарамай, яна фазога учини ниятида юрилди. Кўриб турибсизки, ҳозирги пайтда ёш тўсиғи олиб ташланган.

— Ёш фазогирлар мактаби асосан хайрия ҳисобига мавжуддир, чунки мен бошчилик қилаётган бирлашма уни маблағ билан таъминлай олмайди. Лекин ўз элининг келажакини, халқининг равақини кўзлаган ҳомийларимиз борки,

— Мактаб фаолияти учун маблағ ҳам керак, албатта...

— Ёш фазогирлар мактаби асосан хайрия ҳисобига мавжуддир, чунки мен бошчилик қилаётган бирлашма уни маблағ билан таъминлай олмайди. Лекин ўз элининг келажакини, халқининг равақини кўзлаган ҳомийларимиз борки,

М. Йўлдошева, «Халқ сўзи» муҳбири.



Икки санъат — икки дostonим, Икки олам — икки бўstonим, Рақс айланг, «Лазги», «Тановар» Куйларга тўсий «Осмоним».

Икки сингил, икки жаҳоним, Элининг умид, зийларисиз. Мукарама, Тамарахоним Изидаи дарёларисиз.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ШТУТГАРДТГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкентдаги Киночиқар уйда «Ўзбекинолот» давлат хиссадорлик компанияси ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (ГФР) томонидан ташкил этилган ҳужжатли кино ва видеофильмлар фестивали бўлиб ўтди.

Ф. Эберт номидаги жамғарма — Германия Социал-демократик партияси яқин турмуш мустақил жамоатчилик ташкилотидир. 1925 йилда ишчиларнинг олий билим юртларида билим олаётган фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган жамғарма бугунги кунда нафақат ўз мамлакатда, балки бошқа мамлакатларда ҳам демократия ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, қасаба уюшмалари ва хотин-қизлар ҳаракати, этник озчилик ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш масаласлари билан шуғулланмоқда. Жамғарма янги мустақил давлатларда фаол ишламоқда, конференциялар, семинарлар, телевизион дастурлар ва мутахассислар тайёрлаш йўли билан тажриба алмашувлар ҳамда Шарқ ва Фарб ўртаси-

да ноу-хау ташкил этади. Тошкентда жамғарма ҳомийлигида ўтган фестиваль шу йилнинг май ойида Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган «INPUT» ижтимоий-иқтисодий фильмлар ва теледастурлар халқаро фестивалига иштирокчиларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Фестиваль анъанавий бўлиб, шунга қўра, ҳар йили янги мамлакатда ўтади. Штутгартда бўладиган анжуманда тахминан элликка яқин мамлакатдан мингта яқин вакиллар иштирок этиши кўтилмоқда.

Тошкент кўрик-танловининг жюри ҳақами эътиборига Ўзбекистоннинг давлат ва хусусий студияларида сурат олинган 17 та ҳужжатли фильм ҳўзла этилди. Булардан «Достон-фильм» киностудияси режиссёри Даврон Салимовнинг «Хор» картинаси ва режиссёр Жасур Исҳоқовнинг Ўзбекистон илмий-ом-

мабот ва ҳўжатли фильмлар студиясида сурат олган «Гих-Эхрландлик» («Наркомания») видеофильми энг яхши деб топилди. Мазкур картиналар муаллифлари республикамизни Штутгартда таништириш имконига эга бўлдилар.

Яқиний матбуот конференциясида Тошкент фестивали ташкилотчилари унинг анъанавий бўлиб қолиши муҳимлиги ва уни Марказий Осиё доирасида ўтказиш кераклиги тўғрисида мулоҳаза билдирдилар.

— Мен Ўзбекистонни жуда яхши биламан, деди журналистларга Ф. Эберт номидаги жамғарма координатори ва жюри раиси Альфред Дибальд — Лекин бу ерда намойиш қилган фильмлар менинг мамлакатингиз тўғрисидаги тасаввурингизни янада кенгайтирди. Агар Тошкентдаги фестиваль анъанавий бўладиган бўлса, биз жуда хурсанд бўламиз ва унда фаол иштирок этишга ваъда берамиз.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА муҳбири.

Parvina-Bank advertisement. Features text: 'Эпик турдаги хусусий акциядорлик-тижорат банки "Parvina-Bank"', 'Тошкент шаҳар бўлими шунинг маълум қилдики, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб нақд хорижий валюталарни ва бошқа пул маблағларини банк омонатларига қабул қилиш ва уларга валютани бериш хизматларини кўрсата бошлайди.', 'Манзил: "Мустақиллик" майдони 2. (мўлжал АОТ "Технолоз" биноси)', 'Телефон: 139-48-88, 139-12-88.'




Туман судининг уйда кўчириш ҳақидаги қароридан норозиман. Энди қаерга мурожаат қилсам бўлади? Х. СУННАЕВ. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани.



Туман судининг қароридан норози бўлсангиз, сиз қарор чиқарилган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибидеа шикоят келтиришингиз мумкин. Агар бу мuddат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексидаги 130-моддасига асосан ўтказиб юборилган процессуал мuddатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан судгоҳга мурожаат қилишга ҳақлисиз. Утиб кетган мuddатни тиклашнинг иложи бўлмаса, қонуний кўчга кирган қарор устидан Тошкент шаҳар суди раиси ёки шаҳар прокурорига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.


Мен оилам билан 1994 йили ажрашганман. Шундан буйи фарзандларимни менга кўрсатишмайди. Болаларимнинг дидорига тўғйишга ҳаққим борми ёки йўқ? М. ЖАЛФОРОВ. Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани.



Болаларим ажралиб алоҳида турадиган ота ёки она ўз фарзандини таъминлаш ва тарбиялашда иштирок этишига ва у билан қўришиб туришига ҳақли. Бунга қаршилик кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Болалар билан учрашни тартиби, шунингдек, уларни тарбиялашда иштирок этиш ҳўзасидан ота-оналар ўртасидаги келишимовчилик вазийли ва ҳомийлик органи томонидан ота-онанинг иштирокида ҳал қилинади. Шунинг учун сиз собиқ турмуш ўртоғингиз ва болаларингиз яшаб турган манзилдаги вазийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилишингиз мумкин. Агар болаларингизнинг онаси вазийлик ва ҳомийлик органини таллабни бажармаса, унда нисбани ҳал қилиш учун туман судига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Аммо алоҳида турадиган ота-онанинг бола билан қўришиб туриши боланинг нормал тарбияланишига ҳаққат бериши ҳамда унга зарари таъсир қилиши мумкин бўлса, вазийлик ва ҳомийлик органининг бундай ота ёки онаи маълум вақтгача боласи билан учрашиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳаққи бор.

Саволларга етакчи ҳуқуқшунос Р. СУЛТОНХУЖАЕВА жаъоб берди.



FOЛИБЛАР ИСПАНИЯ ВА ЭРОНГА БОРАДИ. Тошкентда шахмат бўйича 20 ёшгача бўлган йнгит-қизлар ўртасида республика биринчилиги учун финал мусобақалари ниҳоясига етди. Шу йил май ойида Эронда ўтадиган Осиё чемпионати ва октябр ойида Испанияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳўқуқи учун 55 киши дона суриб беллашди. Қизин курашлар натижасида тошкентлик Катя Ким, Антон Филшпов, Елена Левушкина, Олим Тошев, Севара Юсуфалиева, самарқандлик Жўрабек ва Иброҳим Ҳамроқуловлар, Қашқадарё вилоятидан Сарвиноз Эргашева, Наманган вилоятидан Баҳодир Холмирозев ва Олга Сон Осиё ва жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳўқуқини кўлга киритди. Мусобақа ҳомийлари — "Сорлом авлод учун" халқаро жамғармаси, республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси ва "Кока-кола" фирмаси номидан фолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. (ЎЗА)

ТИНЕ'98. 1998 йил 6-9 апрель кунлари «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — 98» Тўртинчи Халқаро тиббиёт кўргазмасига Сизларни лутфан таклиф этамиз. Кўргазмада жаҳондаги 100 дан ортиқ етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари намойиш этилади. Кўргазмага таширф буюриб, Сиз ишлаб чиқарувчи фирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишингиз мумкин. Сизни кўргазмамизда кўришдан гоят мамнун бўламиз! Кўргазманинг иш соатлари: 6 апрель — 14.00 - 18.00, 8 апрель — 10.00 - 18.00, 7 апрель — 10.00 - 18.00, 9 апрель — 10.00 - 16.00. Бизнинг манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107, «Ўзэкспомарказ» (собиқ ВДНХ).

УН, ШАКАР, ЦЕМЕНТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР УЧУН. Янги универсал ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР сотилади. Туркиядаги ишлаб чиқарувчи фабрикалардан тўғридан-тўғри келтирилган. Ички целлофан қопламали ҳамда қопламасиз. ДИ FIMA DEAR. Адрес: 700083, Тошкент ш., Бухоро кўчи, 26. Тел.: 139-06-00, 133-61-48, 132-13-08, 56-12-98, 41-87-73. Факс: 40-65-37. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарини ва жамоани Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғининг 1-уринбосари Олим Хўжаевага рафиқаси Хўжайи ХўЖАЕВанинг вафот этганини мурожаати билан чуқур ҳамдардик билдирди. Тошкент вилоят адвокатлар ҳайъатининг раёсати вилоят адвокатлар ҳайъати аъзоси, Тошкент тумани юридик маслаҳатхонаси мудири Насиба Йўлдошеванинг туҳтмури ЯЎЛДОШЕВанинг вафот этганини мурожаати билан чуқур ҳамдардик билдирди.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Ҳўқуқ ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-83; Кишлоқ хўжалиги 136-37-83; Мовчилик 136-35-60, 132-10-65; Ҳамлаш 136-29-89, 133-07-48; Ғана, туризм, спорт ва ҳарбий вақтинпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳодит 132-11-15; Қоғозчилик 133-10-28; Ўзбекистон 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюрма Г — 01138, 42797 нуқсда босилди, ҳажми — 2 тўбок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилди: 20.35. 1 2 3 4 5 6

С. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўзбосаров. Навбатчи — Ш. Каримов. Мусоҳаҳ — Ш. Маширбаев.